



АҲМАД ЯССАВИЙ - ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ ЗАБАРДАСТ ШОГИРДИ

Санжар Барноев Қурбонович,

*ИИВ Бухоро академик лицейи директори ўринбосари БухДУ мустақил
тадқиқотчиси*

E-mail: sbarnoev@mail.ru;

Аннотация: Мазкур мақолада Яссавия тариқати асосчиси – Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёт йўли, маънавий мероси, тасаввуфий фалсафий қараишлари, шунингдек, унинг дунёқараши шаклланишида устози Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ўрни ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: пир, мурид, тасаввуф, ҳикмат, риё, нафс, хилват, сафар, Ватан, иршод, асҳоб, ясси.

Хожа Юсуф Ҳамадоний Шарқ мусулмон дунёсида XV-XVI асрларга қадар маълум ва машҳур мутасаввуфлардан бири эди. Яъни, у вафотидан кейин (1140) яна тўрт аср мобайнида жуда улкан минтақада катта шуҳратга эга бўлган санокли тасаввуф намояндаларидан бири эди. Унинг бунчалик узоқ муддат эътибор ва эътирофлар марказида бўлишида кўп жиҳатдан унинг шогирдлари ва издошларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Юсуф Ҳамадоний шогирдлари ҳақида гап кетганда Абдуҳолик Гиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” рисоласига таяниш мумкин: Асарда Юсуф Ҳамадонийнинг Самарқандга келиши ҳақида гапирилган экан у билан бирга ўн бир нафар шогирдлари ва маслакдошлари ҳам бирга бўлганликлари айтилади. Булар: Абу Мусо Ходим, Абдуҳолик Гиждувоний, Имом Яҳё Гаифарий, Хожа Исҳоқ, Хожа Рибот, Хожа Закриёнинг акасининг ўғли, Хожа Одам Шодворий, Хожа Муҳаммад Ҳаким



Сарпулий Балхий, Хожа Муҳаммад Чилла, Хожа Қурайш, Бобо Сулаймон Орифи Туркий.

Бироқ, Юсуф Ҳамадонийнинг ҳақиқий издошлари сифатида унинг тўрт халфаси тан олинади. Булар - Хожа Абдуллоҳ Барақий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувонийлардир. Ҳамадонийнинг Мовароуннаҳр тасаввуф тараққиёти йўлида қилган энг катта хизмати сифатида унинг тўрт забардаст пири иршодни тарбиялагани ва улар ўз навбатида нафақат Юсуф Ҳамадоний таълимотини давом эттириб ривожлантирганликлари, балки бутун мусулмон оламида ўз ўрни ва мавқеига эга тариқат мактабларига асос солганликлари эътироф этилади.

Хожа Аҳмад Яссавий Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи халфаси бўлиб, Ҳамадоний вафотидан сўнг бир муддат Бухородаги хонақоҳда устози ишини давом эттиради. Кейинчалик, ўз ўрнини Абдуҳолиқ Ғиждувонийга бўшатиб ўзи Туркистонга йўл олади.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат...”да Хожа Аҳмад Яссавий 611-шайх сифатида келади. Бу фаслда қуйидагича маълумотлар келтирилади: “Туркистон мулкининг шайх ул-машойихидур. Мақомоти олий ва машхур, каромоти мутаволий ва номахсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш. Имом Юсуф Ҳамадоний қуддиса сиррухунинг асҳобидиндур. Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний қуддиса сирруҳу била суҳбат тутубдур ва Хожа Абдуллоҳ Баррақий ва Хожа Ҳасан Андоқий қаддамаллоҳу раҳматика била ҳамки, Имом Юсуф Ҳамадоний раҳимаҳуллоҳу таоло муридларидурлар. Имом қайси бийик маротибға етибдурлар, мусоҳиб бўлубдур ва рўзгор машойихидин кўп бузургворлар анинг тарбиятин топибдурлар ва Шайх Розиюддин Али Лоло қуддиса сирруҳу шайхи бузургвор Шайх Нажмуддин Кубро раҳимаҳуллоҳу хизматиға етардин бурун Хожа Аҳмад Яссавий қаддасаллоҳу руҳаҳу хизматида бўлуб эрди ва анинг хонақоҳида анинг иршоди била сулук қилибдур ва анинг мозори Туркистонда, Ясси деган



ердаки, анинг мавлид ва маншаидур, воқеъ бўлубдур ва Туркистон аҳлининг киблайи дуосидур”.

Фахруддин Али Сафий “Рашаҳот айн ул-ҳаёт”да Аҳмад Яссавий ҳақида “Хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сиррахунинг хулафоларидин учланчи халифа эрдилар ва турклар они Ото Яссавий дерлар. Мавлиди Ясси турурким Туркистон балдаларидин бир машҳур шаҳар турур. Қабри мубораклари ҳам ул ерда турур”, деган маълумотни келтиради.

Манбаларда Аҳмад Яссавий Туркистоннинг Чимкент кенти яқинидаги Сайрам қасабасида таваллуд топганлиги, отаси Иброҳим ибн Маҳмуд ибн Ифтихор шажараси пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизлари Фотима авлодидан, ўн биринчи бўғинда авлиё шайх Исҳоқ бобога туташганлиги, Аҳмад Яссавийнинг онаси Қорасоч ойим иродали, доно ва гўзал аёл бўлганлиги айтилади. Ўз даврида Шайх Иброҳим ва Қорасоч ойимнинг ҳурмату нуфузи баланд бўлган. Туркистонда, Сайрамда ҳозиргача Иброҳим ва Қорасоч ойим мазоридан зиёратчиларнинг қадами узилмайди.

Аҳмад Яссавий маноқиб (ҳаётнома)ларида унга етти ёшлик чоғида туркий халқларнинг авлиёларидан Арслон Бобнинг назари тушгани айтилади. «Девони ҳикматда ҳам шу ҳақда далолат бор:

Етти ёшда Арслонбобға қилдим салом,
Ҳақ Мустафо амонатин қилинг инъом,
Ўшал вақтда минг бир зикрин қилдим тамом,
Нафсим ўлуб ломаконға оштим мано.

Бу ҳақда жуда чуқур маънога эга ривоят ҳам бор. Унга кўра, Расули акрам Муҳаммад алайҳиссалом 63 ёшида фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат этиш олдидан асҳобларини чақириб: «Қай бирингиз омонатимни (ислом дини рамзини) келгуси издошларига етказгайсиз?»—деб сўраганлар. Шунда авлиё Арслон Боб бу юмушни зиммасига олган. Ривоятга кўра, ўша пайтда сайёҳ дарвеш (қаландар) Арслон Боб уч юз ёшга кириб, дунёдаги



Ўттиз уч хил дин билан танишиб, шулар орасидан ислом динини танлаган экан. Пайғамбар с.а.в. шундан сўнг омонатини Арслон Бобга топшириб, кўнгиллари тинчигач, Оллоҳ ҳузурига йўл олган экан. Орадан 500 йил ўтганида ҳазрати Арслон Боб чўлда кетаётиб етти ёшли Аҳмад Яссавийни учратган. Гўдак Аҳмад авлиё Арслон Бобни таниб: «Устоз, менинг омонатимни беринг!»— деб сўраган экан.

Аҳмад Яссавий устози Арслон Бобни вафот этгач, ўша пайтда Бухорода катта шуҳрат қозонган Юсуф Ҳамадоний ҳузурига келиб унга шогирд тутинади. Европаликлар ўша даврда Бухорони иккинчи Румо (Рим) деб атардилар. Яссавийнинг ҳам Бухорога, айнан Ҳамадоний хизматига ошиқиши бежиз эмас эди. Шайх Юсуф Ҳамадоний шогирдларига тасаввуф, ҳаққа етишиш сирларини ўргатар экан, ёмон ишлардан тийилиш, тавба-тазарру, сабот ва сабр, софдиллик, фақирлик ва дунё (молу мансаб)дан этак силкиш фазилатларига эътиборни қаратар эди.

Аҳмад Яссавий мутасаввифлар қоидасига кўра, илм-маърифат ҳосил қилиб, иршод олганидан кейин ҳам фақирлик йўлини танлаб, бирор ерда муқим уй-жой қилмай, шаҳарма шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, халқни, ҳукмдорларни иймон, эътиқодга, инсоф-диёнатга, мардлик-эранликка даъват қилган.

Яссавийнинг бундай тасаввуфий қарашлари, ҳаёт тарзига Юсуф Ҳамадонийнинг “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман”, “назар бар кадам”, “хуш дар дам” рашҳаларининг таъсири ниҳоятда кучли бўлганини кузатишимиз мумкин.

Ҳаттоки тасаввуф тарихида энг машҳур сўфийлардан бўлган Мансур Халлож ҳақидаги устози билан яқдиллиги, яъни уни қораламаслиги, аксинча, уни замонасининг энг буюк шайхлари қаторига қўшиши ҳам улар ўртасидаги қарашлар уйғунлигидан далолат беради:

Айтмагил «анал-Ҳақ» деб, кофир бўлдунг Мансур деб,

Қуръон ичра булдур деб, ўлдурдилар тош отиб.



Ривоятлар битилди, ҳолин ани билмади,
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорға осиб.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Аҳмад Яссавийнинг нафақат ўз замонаси, балки бугунги кунда ҳам энг забардаст мутасаввуфлар қаторида эътироф этилишида Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг пири комил сифатидаги ўрни бекиёсдир. Яссавий ҳақидаги тадқиқотларда унинг айнан Ҳамадоний билан боғлиқ жиҳатларини кенгроқ таҳлил этиш, Ҳамадоний тасаввуфий-фалсафий қарашларининг Яссавий дунёқараши шаклланишидаги аҳмиятига урғу бериш энг тўғри йўл бўлар эди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахророва С. А. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг диний ва фалсафий талқини. National University of Uzbekistan Google Scholar indexed Current Issues of Social Sciences and Humanities DOI: 10.24412/2181-1385-2022-2-265-270 Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari. Volume 3 | NUU Conference 2 | 2022
2. Ғиждувоний Хожа Абдуҳолик. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2019 й. 19-бет.
3. Навоий Алишер. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи. Тошкент– 2012 йил. 298-бет.
4. Mukhamedov, N., & Alidjanova, L. (2020). The role of Khodja Akhrar in socialspiritual Life of Central Asia. American Journal of Research_ https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/06/2020_5_6_AJR_10.pdf. P.74-76.
5. Сафий Фахруддин Али. “Рашахоту айнил-ҳаёт” (Оби ҳаёт томчилари). Нашрга тайёрловчилар: Ҳасаний М. Умрзоқ Б. Тошкент. “Абу Али Ибн Сино”. 2004. 21-бет.
6. Насафий (Евгений Ефимович Березиков) Хожа Аҳмад Яссавий Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1993 Русчадан Маҳкам Маҳмуд таржимаси.